

МИРИШКОР

Туман ҳокими Дилшоджон Джалилов эрта баҳор уста кўчатчи Олимжон Олимов хонадонида 7 сотиҳ иссиқхонада етиштирилаётган кўчатларни кўриб, у билан сұхбатлашганди. Сұхбат давомида О.Олимов туман ҳокимига мурожаат қилиб, ер ажратилиш ва у ерда иссиқхона қуриб, полиз экинларини етиштиришини айтганди. Туман ҳокимининг тавсияси билан ака-укалар аукцион орқали ер ютиб олишиб, дәхқон хўжалиги ташкиллашди.

Туман ҳокими Олимжон етиштираётган маҳсулотлари билан танишиш мақсадида Марказий Фарғона ММТПда бўлди.

Миришкор дәхқон етиштираётган 1,5 га тарвуз, 1,5 га қовун, 10 сотиҳда иссиқхона ва у ерда томчилатиб суғориш усулида етиштирилаётган бодрингларни кўрган киши ҳавас қиласди.

Иссиқхонага 3 минг туп бодринг кўчат экилган. Дәхқон шу кунгача бодринг килосини 4,5 минг сўмдан сотиб, 30 млн. сўм даромад қилганини маълум қилди. Ҳали ҳосил мўл.

Туман ҳокими миришкорга раҳмат айтиб, иссиқхонасини кенгайтириш ва ишчи ўринларини ошириш бўйича топшириқлар берди.

Баракасини берсин, Олимжон!

2024-07-22 11:11:42